

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР
“ОЛИМА” УЮШМАСИ



«ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИМАЛАРНИНГ
ЎРНИ»

МАВЗУСИДАГИ ОЛИМАЛАР ВА ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН МАТЕРИАЛЛАРИ



САМАРҚАНД – 2017

**«ОЛИМА» ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН – ҚИЗЛАР УЮШМАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БЎЛИМИ**



**«ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИМАЛАРНИНГ ЎРНИ»**

**МАВЗУСИДАГИ ОЛИМАЛАР ВА ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

МАТЕРИАЛЛАРИ

САМАРҚАНД – 2017

МАНБАЛАР СИСТЕМАСИНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ

Эргашева М.Х. СамДУ ўқитувчиси,
Рахматиллаева С. СамДУ магистранти.

Синергетикани тизимлар эволюциясининг умумий қонуниятларини ифодаловчи фанлараро тадқиқот усули дейишимиз мумкин. Чунки бу тадқиқот усули тизимлар эволюциясини умумлаштирувчи тилда баён этишга интилиб, турли фанлар гуруҳи воситалари томонидан ўрганиладиган, аммо ягона моделга олиб келадиган ҳодисалар гуруҳининг ўзига хос изоморфизмини акс эттиради. Ягоналикни белгилаб олиш синергетикага бир фан соҳаси ютуқларини бутунлай бошқа йўналиш вакиллари тушунадиган қилиш имконини беради. Бунда синергетика бир неча фан чегарасида юзага келадиган чегаравий фанлардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам айнан синергетика алоҳида фанлар “ўзиники” деб билган қонуниятлар ва боғлиқликларининг умумий жиҳатларини белгилаб, ўрганиладиган фан вазифасини бажариши мумкин. Бироқ янги фанлараро йўналишнинг шаклланиш жараёни осон кечмайди, албатта. Ўз навбатида синергетика тарафдорлари ва унга қарши бўлганлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз давом этмоқда.

Ҳар бир манба муайян бир система ҳисобланади. Чунки манбалардаги мулоҳазалар, ғоялар, маълумотлар, илмий хулосалар ҳам ўзаро боғланишдан ягона бир манбани ҳосил қилган. Қадимги манбаларни ҳам, бугунги давр манбаларини ҳам система деб айтишимиз мумкин. Энди манбалар системасида очиклик ва ёпиқлик муаммоси ҳам борки, бу масала нисбий ҳисобланади. Чунки ҳар бир очик манбада ёпиқлик ҳар қандай ёпиқ манбаларда очиклик кузатилиши мумкин. В.П.Бранский эътироф этганидек, “Очик тизим ва ёпиқ тизим ўртасидаги чегара нисбийдир. Бир томондан ёпиқ тизим уни ташқи оламдан узиб турган омиллар ва чегараларнинг йўқотилиши билан очик тизимга айланиши мумкин. Иккинчи томондан очик тизим агар ташқи оламдан узиб қўйилса, у бошқа системалар билан ахборот ва энергия алмашмаса, у ёпиқ тизимга айланиб қолади” [2; 112-1136].

Манбалар системасида ҳам худди шундай. Яъни, маълум бир тарихий даврда яратилган манба маълум вақт ўз ҳолича, ҳеч қандай ўзгаришсиз, ҳеч қандай қўшимчаларсиз, таҳлилларсиз сақланса у ёпиқ манба ҳисобланади. Масалан, мусулмон оламининг муқаддас китоби “Қуръони Карим” ёки бошқа диний манбалар (Инжил, Таврот Забур ва б.қ.) неча йиллар давомида ўзгаришсиз ўз ҳолича қабул қилиниши уларни ёпиқ манба сифатида тушунишга олиб келади. Лекин, вақт ўтиши билан, маълум даврда ушбу манбаларни ҳам халққа тушунтириш, давр муҳитига мослаштириш учун турли талқинлари (масалан, ҳадислар) ва таржималари яратилиши бу манбаларни ҳам очиклик томонини кўрсатади.

Олим О.Файзуллаев системаларни классификациялашда ҳар хил жиҳатларни ҳисобга олишни таъкидлайди. Масалан, статик ва динамик, жонли ва жонсиз, очик ва ёпиқ. Олимнинг фикрича классификация ҳам нисбийдир. Чунки статик система деб ҳисоблаганимиз шу ондаги ҳолатидир. Маълум вақт етарли ўтиши билан тоғ жинслари нурайди, механизмлар эскиради, металлар

занглайди. Булар албатта ташқи муҳит таъсирида. ...Шунингдек динамик система вақт ўтиши билан ўзгарувчан бўлиши билан бирга ҳар бир онда уни статик деб қараш мумкин [4; 98-99 б].

Олимнинг фикрига кўшилган ҳолда манбалар ҳам маълум вақтда ёпик ҳисоблансада, уни ўрганиш, таҳлил этиш, ўзлаштириш ва қайта янги фикрлар билан бойитилиши жараёнида очик системага айланиб бораверади. Шуларни инобатга олиб биз “Авесто” ни ўрганганда объектив қонуниятларга амал қилиб, манбанинг моҳиятини йўқотмаган ҳолда унга нисбатан муносабатда бўлишимиз керак. Яъни манфаатлар нуқтаи назардан эмас, балки реаллик ва холислик асосида масалага муносабат билдиришимиз керак. Шунда биз очиклик ва ёпиклик принциpidан тўғри фойдаланган бўламиз.

Манбаларнинг ёпикликдан очикликка қараб интилишида уларнинг мазмунида, макон ва замон, халқ ва миллат, ижтимоий тузум нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ваҳоланки, яқин ўтмишгача Ўзбекистон заминида яратилган муқаддас “Авесто” китоби етарли ўрганилмагани боис, ҳатто юртимизда чоп этилган манбаларда ҳам Эрон дини ва манбаси сифатида эътироф этилган. Бу масаланинг бирёқамалиги ва субъективлигини билдириш баробарида системанинг ўзаро боғлиқлик жараёнини чеклаб ҳам қўйган. Демак, манбалар ўрганилганда, ўзлаштирилганда, ҳаётга тадбиқ этилганда ёпикликдан очиклик томон интилиши кузатилади.

Синергетика қонуниятларидан биламизки, ўрганилаётган система очик, энергия ва ахборот алмашинувига эга бўлиши керак. Яъни манбалар очик системага айлангандан сўнг, албатта, уни синергетик методология қонуниятлари асосида ўрганиш мумкин. Шунини инобатга олишимиз керакки, очиклик деганда фақат ташқи муҳитдан кириб келадиган модда ва ахборотни эмас, балки системадан ташқи муҳитга чиқадиган модда, энергия ва информацияни ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки, манбалар системасидаги очикликни ҳам шундай ҳолатда кўрамиз. Яъни манбалардан ахборот ва энергия ташқи муҳитга ҳам чиқади ҳам қабул қилинади. Масалан, “Авесто”ни таҳлил этганда, ўрганганда, улардан фойдаланганда ахборот чиқса, талқинини излаб топиб, қўшимча маълумотлар билан бойитилганда ахборот қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар ва ахборотлар яратилади. Бу ахборот ўз навбатида системанинг муҳим элементлари ҳам бўлиши мумкин. Манбалар системасининг ёпик бўлиши уларни турғун бўлишига, ривожланишдан, тараққиётдан орқага қолишига олиб келади. Манбалар системасининг очиклиги эса уларни янада такомиллашиб, янги ғоялар билан бойиб, халқлар манфаатига хизмат қилиб бораверишига йўналтиради. Шунинг учун ҳам манбаларни таҳлил этганда синергетик ғояларнинг аҳамияти катта. Шунини ҳам инобатга олишимиз лозимки, файласуф Қ.Назаров таъкидлаганидек, синергетика ҳам фанларнинг охириги ва мутлоқ услуби эмас, балки тараққиёт натижасида, ўзгарадиган ва такомиллашадиган тафаккур мевасидир [3; 236-б]. Янги методологик қонуниятлар шаклланса-да, синергетика ҳам диалектика сингари фалсафанинг асосий бўлаги бўлиб қолаверади.

Манбаларнинг очик ёки ёпиқ бўлиши манба мавжуд бўлган ва мавжуд бўлиб келаётган макон ҳамда замонга боғлиқ. Жумладан қадимги манбалардан бири “Авесто”ни таҳлил этганда ҳам давр муҳитидан келиб чиқиб очик ва ёпиқлик хусусияти ўрин алмашилиб турганига амин бўламиз. Зардуштийликнинг вужудга келиши, “Авесто”нинг яратилиши, уни халқ томонидан қабул қилиниб, қонун-қоидаларига қатъий амал қилинган даврларда, айниқса, Сосонийлар даврида мазкур манба тўлиқ очиклик хусусиятига эга бўлса, Ўрта Осиёга араблар кириб келиб ислом динини тарғиб этган даврларда аста-секин ёпиқлик хусусиятига эга бўлган. Чунки бу даврларда “Авесто”ни ўрганиш, таҳлил этиш ҳатто зиёлилар томонидан ҳам амалга оширилмаган. Аммо бу фикримиз араблар кириб келган худудлар, учун тааллуқлидир.

Хуллас манбалар системасининг очиклиги ва ёпиқлиги нисбий тушунча ҳисобланади. Яъни манбаларнинг очик ёки ёпиқлик хусусиятига давр, муҳит, вақт нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Манбалар системасида очиклик ва ёпиқлик ҳамisha ўрин алмашган ҳолда намоён бўлади. Манбалар системасини очиклиги ва ёпиқлиги хусусиятига қараб жумладан “Авесто”ни ҳам синергетик очик манбалар системаси сифатида талқин этиш, ушбу манбани ривожини, тараққиётини, мукамаллигини таъминлайди.

AVESTODA INSON MA'NAVY BORLIG'I MASALALARINING SINERGETIK TAHLILI

Muminova Z.O. SamDu “Siyosatshunoslik.Demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti” kafedراسи assistenti

Hamamizga yaxshi ma'lumki, sharq dunyosida inson, uning botiniy olami, ma'naviy kamoloti masalasi, asosiy muammo sifatida ko'rib chiqiladi. Sharq mutaffakirlari, faylasuflari o'z ta'limotining yo'nalishidan qat'iy nazar inson muammosi, uning axloqiy yetukligi, ma'naviy borlig'I masalasini alohida tadqiq qilgan.

Milliy falsafamizning ildizlari zardushtiylikning muaddas kitobi sanalmish Avestoga borib taqaladi. Zardushtiylik dinini ma'lum ma'noda axloqiy e'tiqod, uning muqaddas kitobi bo'lmish Avestoni esa qadimgi ajdodlarimiz amal qilgan axloqiy tamoyillar va ko'rsatmalar majmuyi deyish mumkin. Avesto kitobini, uning g'oyalarini o'rganishga mustaqillik yillarida juda katta e'tibor qaratildi. Buning asosiy sababi, Avesto nihoyatda chuqur falsafiy mazmunga egaligidadir. Avestoni turli nuqtai nazarlardan, xususan sinergetik nuqtai nazardan ko'rib chiqishga harakat qilinmoqda. Jumladan, yetakchi faylasuflarimizdan G. Maxmudova, B. To'rayev va u kishi rahbarligida M. Ergsheva, B. Rahmonov singari yosh faylasuflar ushbu mavzuda falsafiy tadqiqotlar olib borishmoqda.

Maqolada Avesto g'oyalarida inson, uning ichki ma'naviy olami, axloqi va kamoloti masalasiga yondashuvlarda sinergetika belgilarining namoyon bo'lishini ko'rib chiqishga harakat qilamiz. Zero, fikrimizcha bugungi kun zamonaviy fani va falsafasining asosiy paradigmasi, metodologik asosiga aylangan sinegetikaning belgilari bugungi kun sinergetiklari e'tirofidan ancha ilgariroq ajdodlarimizning inson

Вафоева Д.Б. К ВОПРОСУ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПЕДАГОГА.....	133
Мухитдинова Б.М. САЙИДАҲМАД ВАСЛИЙ САМАРҚАНДИЙ ОЗОД ВАТАН ВА МИЛЛАТ ЖОНКУЯРИ.....	135
Сатторова И.Ф., Хасанова Ш.Х. АМИР ТЕМУР МАҚБАРАСИ ТАРИХИГА ДОИР.....	139
To'rayeva G. X. BOLALARNI IJTIMOIY NIHOYALASHDA MUTASADDITASHKILOT VA MUASSASALAR HAMKORLIGI.....	143
Майинова У.К., Бердикулова Х. ОСВЕЩЕНИЕ ОСНОВНЫХ ЭТАПОВ РАЗВИТИЯ ТЕРМОДИНАМИКИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДОВАНИЯ ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ ФИЗИКИ.....	147
Эргашева М.Х., Рахматиллаева С. МАНБАЛАР СИСТЕМАСИНИНГ СИНЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ.....	152
Muminova Z.O. AVESTODA INSON MA'NAVIY BORLIG'I MASALALARINING SENERGETIK TAHLILI.....	154
Нуриддинова М.И. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ.	157
Кучкарова Ф.Х., Ходжаёрова Б.А. РУМИЙ ВА ФОРОБИЙНИНГ ИНСОН МАЪНАВИЙ БОРЛИГИГА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ.....	160
Алиева М.Х. БИЛИМ ОЛИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ.....	163
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ	
Асланова Д.Х., Алимова М.Т. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ХУДУДИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ.....	165
Камилова Н.А. СОСТАВЛЯЮЩИЕ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ.....	170
Хамракулова О.Д. ПРОБЛЕМЫ ИНВЕСТИЦИОННО-ИННОВАЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА.....	174
Мусаева Ш.А. ТУРИСТИК КОРХОНА ФАОЛИЯТИ АМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	178
Халикова Л. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ.....	181
Маматкулова Ш.Ж. ХИЗМАТЛАР ВА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	184
Курбанова Р.Ж. ИННОВАЦИОН ЖАРАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ.....	187
Норбоева Д. КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ.....	191
Пошоҳўжаева Д. ОБОРОТДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР АУДИТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	194
Урунбаева Ю.П. КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ.....	198
Урунбаева Ю.П. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ-БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ.....	204